ЖОЗИБАЛИ ДАРС – ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ (ЗАМОНАВИЙ ДАРС ЎТИШНИНГ АЙРИМ ТУТУМ ВА УСЛУБЛАРИ ХУСУСИДА)

Б.Х. Данияров
Тошкент иқтисодиёт ва педагогика институти профессори, филология фанлари доктори

https://doi.org/10.5281/zenodo.13767273

АННОТАЦИЯ

XXI асрда ахборот технологиялари шиддат билан ривожланмоқда ва бу, айниқса, таълим-тарбия соҳасида ўзини кўрсатмоқда. Замонавий компьютерлар, ноутбуклар ва смартфонлар таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу мақолада замонавий ахборот технологияларининг таълим-тарбия жараёнига олиб келган ўзгаришлар, шу жумладан, смартфонлар орқали дарс материалларини таъминлашнинг афзалликлари муҳокама қилинган. Смартфонларнинг таълим жараёнидаги аҳамияти, яъни замонавий фанлар ва методика талабларига мос равишда маълумотларни тизимлаштириш ва тақдим этиш имкониятлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, замонавий таълим-тарбиядаги янги фанлар, масалан, "Медиасаводхонлик ва ахборот маданияти" ва "Академик ёзув" каби фанларнинг ўқитиш усулларининг ривожланиш зарурияти ва муаммоларига эътибор қаратилган. Хусусан, янги фанларнинг илмий ёки ўқув-методик адабиётлар билан таъминланиши, жумладан, нофилологик йўналишдаги талабалар учунги қийинчиликлар кўриб чиқилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР

Ахборот технологиялари, смартфонлар, таълим-тарбия, замонавий методика, медиасаводхонлик, академик ёзув, компьютер технологиялари, олий таълим, нофилологик фанлар, услубий тарқатма материаллар

АННОТАЦИЯ	КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА
В XXI веке информационные технологии развиваются стремительно, и это особенно заметно в области образования. Современные компьютеры, ноутбуки и смартфоны играют важную роль в повышении качества и эффективности образования. В данной статье рассматриваются изменения, внесенные современными информационными технологиями в образовательный процесс, включая преимущества предоставления учебных материалов через смартфоны. Анализируется значимость смартфонов в образовательном процессе, а именно их способность организовывать и представлять информацию в соответствии с требованиями современных предметов и методик. Также уделяется внимание необходимости развития и проблемам методов преподавания новых предметов, таких как "Медиаграмотность и информационная культура" и "Академическое письмо". Особое внимание уделяется обеспечению новых предметов научной или учебно-методической литературой, включая трудности, с которыми сталкиваются студенты в нефилологических областях.	*информационные технологии, смартфоны образование и оспитание, современная методика, медийная грамотность, академическое письмо, компьютерные технологии, высшее образование, нефилологические науки, методические распределительные материалы*

ABSTRACT	KEY WORDS
In the 21st century, information technologies are developing rapidly, and this is particularly evident in the field of education. Modern computers, laptops, and smartphones play a crucial role in enhancing the quality and effectiveness of education. This article discusses the changes brought about by modern information technologies in the educational process, including the advantages of providing instructional materials through smartphones. The significance of	*information technologies, smartphones, education and training, modern methodology, media literacy, academic writing, computer technologies, higher education, non-*

smartphones in the educational process is analyzed, focusing on their ability to organize and present information according to the demands of modern subjects and methodologies. Additionally, the article highlights the need for the development and challenges associated with teaching methods for new subjects such as "Media Literacy and Information Culture" and "Academic Writing." Special attention is given to the provision of these new subjects with scientific or educational-methodological literature, including the difficulties faced by students in non-philological fields.

philological sciences, methodological distribution materials.

XXI асрда ахборот технологиялари мислсиз даражада шиддат билан билан ривожланмоқда. Таълим-тарбия соҳасида ахборот технологиялари (IT), хусусан, ушбу технологиялар асосида яратилган, замонавий компьютер, ноутбук, смартфонлар, биринчи навбатда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш билан билан бирга, таълим-тарбия жараёнининг жозибадорлигини ҳамда вақтдан унумли ва самарали фойдаланишни ҳам таъминлаши лозим. Зеро, гуманитар-ижтимоий ва филологик фанларнинг сифатли ўтилишини таъминлашнинг энг яхши омилларидан бири – бу талаба ёшларнинг таълим ва тарбияси учун дарс ва машғулотларни мароқли тарзда замонавий технологиялар ва анъанавий миллий қадриятларни ўзида қамраб олган комплекс методика асосида оқилона ҳамда мақсадли ташкил этишдир.

Масалан, бундан 25 йил олдин сенсорли смартфон – “ақлли” телефонларни тасаввур ҳам қилмаганмиз. Бугун эса ҳаётимизни бундай телефонларсиз тасаввур қилишимиз қийин. Жамият тараққиёти билан бирга фанлар мазмуни ҳам янгиланиб бормоқда. Янги фанлар, жумладан, “Медиасаводхонлик ва ахборот маданияти”, “Академик ёзув”, “Ўзбек тилини соҳада қўллаш” каби фанлар, ўз навбатида, ахборот технологиялари тараққиёти даврида ўқитишнинг янги, замонавий усул ва услубларини талаб қилади. Айти (IT) технологиялари асосида яратилган замонавий смартфонлар ҳам таълим сифати ва самарадорлигини ошириш билан билан бирга, ўрганилаётган фаннинг жозибадорлигини ҳамда вақтдан унумли ва самарали фойдаланишни ҳам таъминлаши лозим [3: 89].

Масалан, канцелярия жиҳозларидан (А4 форматли қоғоз, дафтар, чизғич, елим ва ҳоказо) фойдаланган ҳолда ўқув режадаги мавзуларга мос равишда услубий тарқатма материалларни тайёрлаш даври аллақачон ўтиб

бўлганлигига қарамасадан, ҳанузга қадар айрим таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилардан тарқатма материалларни шундай эски услубда тайёрлаб ташкил қилишни талаб қилишади. Ваҳоланки, эски услубда ўқув-методик тарқатма материалларни тайёрлаш ўқитувчилар вақтининг самарасиз ўтишига олиб келиб, педагогларда норозилик кайфиятини ҳам келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундай ҳолатларда, яъни олий таълим муассасаларида барча дарсларнинг, жумладан, “Медиасаводхонлик ва ахборот маданияти”, “Академик ёзув” фанларидан машғулотларнинг сермазмун ва қизиқарли ташкил қилинишида компьютер, ноутбукларнинг, айниқса, бугунги кунда таълим иштирокчиларининг деярли ҳаммасида “ақлли” телефонлар - “ақлтеллар”нинг борлиги инобатга олинадиган бўлса, смартфонларнинг ўрни беқиёс эканлиги, хусусан, бу қурилмалар (смартфонлар) воситасида интернетдан режага киритилган мавзулар бўйича дарс жараёни, семинар, амалий машғулотлар ва мустақил ишлар учун зарур бўлган ҳар қандай материалларни, шу жумладан, ранг-баранг ва турли хил кўринишдаги электрон тарқатма материалларни тайёр ҳолда бир зумда ташкил қилиш, ҳар қандай қизиқтирган маълумотларни топиш, сақлаш, қайта ишлаш (таҳлил қилиш, қиёслаш, янги билимларга эга бўлиш, борини мустаҳкамлаш ва ҳоказо) мумкин [4: 135].

Смартфонларнинг соҳани ўрганиш бўйича имкониятлари жуда кенг ва хилма-хил, масалан, деворлари дид билан яхши таъмирланган, лекин бўм-бўш, яъни ўқув кўрсатма воситалари, жадваллар ва расмлар ва ҳоказолар билан безатилмаган, фақат парта-стол-стуллардан иборат аудиторияда ҳам “ақлли” телефонлар воситасида бу “бўшлиқни”, самарали тўлдириш мумкин: Навоий даврини акс эттирувчи миниатюралар дейсизми, Амир Темур бобомизнинг хиёбондаги забардаст отни эгарлаган улуғвор ҳайкалими, соҳага оид мазвзуларга ранг-баранг иллюстрацияларми, тегишли тестлар, масалалар, энг замонавий компьютерлар, автомобиллар...қўйингки, ҳамма нарсани бир зумда электрон аниқ кўринишда муҳайё қилиш мумкин.

Янги жорий этилган “Медиасаводхонлик ва ахборот маданияти”, “Академик ёзув” фанига оид алоҳида китоб кўринишига эга илмий ёки ўқув-методик адабиётлар, жумладан, монография, дарслик, ўқув қўлланмалар жуда кам. Борлари ҳам барча йўналишлар учун, шу жумладан, нофилологик ва ногуманитар соҳаларни танлаган талаблар учун ҳам тилшунос олимлар томонидангина умумий тарзда ёзилган адабиётлардир (чунки ушбу фанни олий маълумотли филология соҳасида камида магистр даражасидаги зарур

билим, кўникма ва малакаларга эга мутахассислар ўқитиши керакли тегишли ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган).

Бу ҳолат эса нофилологик йўналишдаги соҳа ва мутахассисликларни эгаллашни азм қилган талабалар, жумладан, Тошкент иқтисодиёт ва педагогика институтиниг иқтисодиёт ёки компьютер инжиниринг ва ахборот технологиялари йўналишларида таҳсил олаётган талабалари учун ушбу фанларни ўрганиш жараёнида муайян муаммо ва қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Масалан, баъзи бир тилшуносликка оид илмий ишларда *термин* (атама) сўзи қуйидагича таърифланган:

“Терминологияга бағишланган ишларнинг барчасида у ёки бу соҳанинг муайян тушунчаларини англатадиган, асосан, номинатив функцияни бажарадиган бирликлар термин ҳисобланади деб қаралади. Ҳозирги вақтда теринология масаласининг ўсиб бориши, бир томондан илм-фан, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиётнинг динамик ривожланиши туфайли янги тушунчаларнинг кўпайиб бориши деб қаралса, иккинчи томондан, терминларнинг шаклланиш жараёни ривожланиши ва функцияси каби масалаларни чуқурроқ ўрганилиши зарурлиги билан изоҳланади” [8: 426].

Матн, *нутқ* ва уларнинг турлари каби тушунчалар эса мавжуд адабиётлар ва ўқув-методик мажмуаларда қуйидагича ёритилган:

“Матнлар тарихан шаклланган адабий тилнинг турли кўринишлари бўлиб, улар фикрни ифода этиш жараёнида нутқ тузилишининг ўзига хослиги билан фарқланади. Матнлар тараққиётини адабий жанрлар тараққиётидан ажратган ҳолда қарамаслик керак. Чунки нутқий воситалар таркиби ва уларни қўллаш меъёрлари асар жанри билан алоқадордир. Бадиий матн жанрлар принципи асосида тавсиф қилинади ва улар асарнинг жанр хусусиятига кўра фарқланади” [7: 6].

Тасаввур қилинг-а, ушбу институтнинг, масалан, ахборот технологиялари соҳасини эгалламоқчи бўлган талаба *атама*, *матн* ҳақидаги бу билимларни эшитиб, ёки ўқиб қай аҳволга тушиши мумкин. Зеро, *атама* (термин), *матн* ҳақидаги бундай таърифлар замонавий компьютер технологияларига оид билимларни ёки мактабгача таълим соҳасини эгалламоқчи бўлган талабалар учун эмас, балким тилшунослик соҳасининг етук мутахассиси бўлишни мақсад қилган ёшлар учун мўлжалланган.

Айрим филологларда эътироз пайдо бўлиши мумкин. Она тили ва адабиёти домлалари ахборот технологияларига оид фанлардан махсус билимларга эга эмаслар-ку!

Ана шу ерда “Медиасаводхонлик ва ахборот маданияти”, “Академик ёзув” каби фанларни ўқитаётган домлалар учун ахборот технилогиялари, интернет, шу жумладан, смартфонлар асқотади. Ушбу фанни ўтаётган домла матнларни, ўқув-методик мажмуаларини талабаларнинг эгалламоқчи бўлган соҳа йўналишлари бўйича тайёрлашлари, топшириқларни ҳам шунга монанд талабалар учун тушунарли, содда ва равон, илмий асосланган, лекин оммабоп услубда етказишлари зарур. Жумладан, ушбу мақола муаллифи – камина томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги қофияли қоидалар услубида:

Оддий содда ва равон// Тушунарли ва осон.

Мантиқий изчил ихчам// Қизиқарли таъсирчан [5: 15].

Масалан,ўзбек тили ва адабиёти фани домласи нофилологик йўналишда таълим олаётган талабаларга синонимлар тушунчасини қуйидагича тарзда етказишга уринмаслиги керак:

“Тадқиқот натижалари асосида ўзбек тили лексик синонимларини асосий денотатив маъноси бўйича мос, лекин коннотатив маъно компонентлари хусусиятлари ва қўлланиши (функционал имкониятлари)нинг ўзига хослиги билан фарқланадиган синонимлар деб тавсифлаш мақсадга мувофиқ. Синонимлар лексик ва контекст бирикуви ҳамда деривациявий хусусиятлари ва имкониятлари билан ҳам фарқланади” [1: 175].

Зеро, синонимларнинг бундай таърифи иқтисодиёт, педагогика, ахборот технологиялари, мактабгача таълим каби соҳа йўналишларини танлаган ва бу ихтисосликларни замонавий технологиялар асосида ўрганмоқчи бўлган талабалар учун мураккаб бўлиб, улар учун мўлжалланмаган. Лексик синонимларнинг бу илмий таърифи ўзбек тилшунослиги соҳасида қалам тебраётган олимлар, соҳа мутахассислари учун тушунарлидир .

Юқорида санаб ўтилган соҳа ва йўналишларни эгаллаб етук мутахассис бўлишни ният қилган илму толибларга домлалари синонимлар таърифини содда ва тушунарли, улар учун жозибали тарзда етказмоғи лозим, жумладан қуйидагича:

“Синонимлар асосий маъносига кўра бир хил сўзлар, масалан, *юз, бет, чеҳра, афт, турқ, башара* каби. Синонимлар маъно нозикликлари билан фарқланади, масалан, *очиқ чеҳра* деб айтиш мумкин, лекин *очиқ башара* деб айтиб бўлмайди; *ой юзли* зебо, деб айтиш мумкин, лекин *ой турқли* зебо деб айтиб бўлмайди”, ёки “синонимлар маъноси жуда яқин бўлган сўзлар”, ёки яна ҳам соддароқ қилиб “синонимлар – бу маънодош сўзлар”, деб оддий ва лўнда қилиб айта қолишлари мақсадга мувофиқ [2: 131].

Номутахассислик фанларнинг жозибадорлигини таъминлаш мақсадида машғулотларни талабалар танлаган соҳаларга йўналтирган ҳолда оригинал

қизиқарли методика асосида олиб бориш мақсадга мувофиқдир, жумладан, “Академик ёзув” фанини ўтишда талабаларга ахборот технологиялари соҳасига оид сўз ва атамаларни ўзбек адабий тилининг оғзаки (сўзлашув) ва ёзма нутқида тўғри, асосли қўллаб, содда ва равон жумлалар, гаплар тузиб, фикр ва ғояларини адабий тил меъёрларига мувофиқ аниқ ифода этишни ўргатишдир.

Талабаларга ушбу фаннинг ўқув дастурига киритилган янги фан эканлигигини, унинг аҳамиятини, мазмун-моҳияти, вазифаларини аниқ ва лўнда қилиб тушунтириш; аввалари “Ўзбек тили” фани ўтилганлиги, унда кўпдан-кўп тилшунослик соҳасига оид атамалар, мураккаб тушунчалар ўрганилганлиги, талабаларга уларнинг кўп вақтини оладиган мажбурий ёзма топшириқлар берилганлиги бу эса бошқа соҳа вакиллари, масалан, иқтисодиёт, ахборот тизимлари ва технологиялари ва шу каби филология соҳасига бевосита алоқаси бўлмаган йўналишларни танлаган талабалар учун муайян қийинчиликлар туғдирганлиги, ҳатто, баъзи ҳолатларда, ўзлари танлаган касбларга оид мутахассислик фанларини чуқур ўрганишга халақит берганлигини инобатга олиб, эндиликда ушбу фаннинг мутахасссислари машғулотларнинг сифати ва жозибадорлигини оширишга янгича ёндашишлари зарур.

Академик ёзув, ўзбек тили (нофилологик гуруҳлар учун) фанлариининг асосий *вазифаси* талабаларнинг нафақат ўзбек тили ҳақидаги билимларини оширишга, балким, биринчи навбатда, уларда ўзбек тилининг кенг имкониятларини соҳада қўллай олиш кўникмаларини шакллантирган ҳолда ўзлари танлаган соҳа йўналишларини чуқур ўрганишга иштиёқ ва рағбат ўйғотиш ҳамдир.

Бунинг учун талабаларга дарс берувчи домла нафақат ўзининг фанини пухта билиши керак, шунингдек у талабаларга, масалан, Тошкент иқтисодиёт ва педагогика институтига ўқишга кирган толиби илмларга ўзбек тилини улар танлаган соҳаларга йўналтирган ҳолда қандай ўқитиш кераклигини ҳам жуда яхши билиши керак.

Яна бир муҳим томони, ўқитувчи аудитория, дарсхонада қайси соҳа вакиллари, кимлар ўтирганлигини, бу илми толиблар таълимнинг қайси шакллини (кундузги, сиртқи, кечки ва ҳ.) танлаганликларини бир дақиқа ҳам унутмай, шундан келиб чиққан ҳолда ўз нутқини уларга тушунарли ва мароқли тарзда ташкил қилиши керак [6: 111]. Бу муҳим хусусиятларни билмаган домла талабаларининг ўтилаётган фанларга бўлган қизиқиши, иштиёқини сўндириб қўйиши мумкин.

Мавзу бўйича талабаларга мўлжалланган ҳар бир саволни ҳам ўқитувчи пухта ўйлаб, талабларга манзур тарзда – "*мантиқий изчил, ихчам/ қизиқарли таъсирчан*" услубда бериши айни муддаодир. Масалан, қуйидагича:

Принцип сўзининг ўзбекчасини ким айтади? Деярли ҳамма талабалар бир овоздан "*тамойил*", дейишади. "*Нотўғри!*" – деб, домла талабаларга принцип сўзининг ўзбекчаси ҳақида содда ва лўнда, далил ва исботлар билан мароқли тарзда маълумот беради:

Жамият қанчалик ривожланиб борса, унинг тилга онгли равишда муносабати ҳам шунчалик кучайиб боради. Аммо, айтиб ўтиш жоизки, оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда айрим ҳолларда сўз ва атамалар ҳар доим ҳам тўғри қўлланмайди. Масалан, *принцип* сўзи ўрнида *тамойил* сўзининг қўлланишини у қадар асосли деб бўлмайди. *Принцип* атамасининг ўзбекчаси *тамойил* эмас. *Тамойил* араб тилидан ўзбек тилига XIY-XY асрларда ўзлашган бўлиб, рус тилидан ўтган асрда ўзлашган *тенденция* сўзининг маъносини англатиб келган.

Ҳатто собиқ совет тузумида чоп этилган "Ўзбекча – русча луғат" (қисқача: ЎРЛ)да тамойил сўзига қуйидагича изоҳ берилган:

"ТАМОЙИЛ ***направление, тенденция***." [ЎРЛ, 417].

Кўринадики, *тамойил* сўзининг луғавий маъноси принцип сўзидан тубдан фарқ қилиб, айнан *тенденция* сўзи англатадиган тушунчага яқин.

Принцип сўзини *тамойил* билан алмаштиришга бўлган "ўжар" ҳаракатлар рус тилидан ўзлашганлиги яққол сезилиб турган *тенденциянинг* ўзбек нутқида яна ғализ, нотабиий тарзда фаол қўлланишига олиб келмоқда, айрим матнларда эса тамойилнинг қайси маънода (*принцип* маъносидами ёки *тенденция*?) қўлланганлиги ноаниқ бўлиб қолмоқда:

"Ли Куан Юни айрим экспертлар " У фақат ўз мамлакатини ўзгартирди", деб айтса, баъзилари "Осиёни", учинчи одамлар эса "Бутун дунёни ўзгартирган", дейди... Бинобарин у яратган ***тенденция*** ноёб ҳодиса, феномен ҳисобланиб, "Сингапур мўжизаси" деб аталади ва башарият ривожига ўзига хос таъсир ўтказган. Умуман олганда, Ли Куан Ю буларнинг барчасини бирлаштирган ҳолда Сингапурнинг ютуғини ушбу *тамойиллар* асосида амалга оширди: уни яшаш ва ишлаш учун энг хавфсиз ҳудудга айлантирди."

Газетадан олинган ушбу матнда *тамойил принцип* маъносини англатаяптими ёки *тенденция* маъносинимми ноаниқ бўлиб қолган.

Тамойил принцип маъносини айнан англата олмаслиги сабабли ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларида *принцип* атамаси қолдирилган, *тамойил* билан алмаштирилмаган. Масалан: Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг

тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши **принципига** асосланади (11-модда).

Принцип сўзи асосида ясалган бир қатор сўзларни *тамойил* сўзи орқали ифодалаб бўлмайди.

Масалан, принципиал, принципиаллик, принципли, принципсиз сўзлар англаётган маъно ва маъно нозикларини бугунги кунда тамойил сўзи билан ифодалаб бўлмайди. Қиёсланг: *Принципиал рақиб, принципиал масала.*

Гап ўзбек тилида мазкур тушунчани айнан ифодалай оладиган бирлик йўқлигида эмас, тилимизда *принцип* маъносида бемалол қўллаш мумкин бўлган сўзлар бир қатор, масалан тутум, тутруқ (тутуруқ), субут, бурд кабилар. Бу сўзлар принцип ўрнида оммавий ахборот воситаларида тамойил каби кўп қўлланилганда уларнинг ҳар бири тамойил сўзига нисбатан *принцип* атамасининг маъносини қулайроқ ва тўлароқ ифода этган бўлар эди.

Принцип сўзи ўзбек тилига тўлиқ, табиий равишда, ўзбек тили қонун-қоидаларига мувофиқ ўзлашган эмас. Унинг “бегоналиги”га ўзбек тили учун хос бўлмаган, аниқроғи тилимиз учун бутунлай ёт бўлган “ц” – ҳарф(товуш)и ҳам “шама” қилиб турибди. “Ц” ҳарфи собиқ мустабид совет тузумининг руслаштириш сиёсати ўлароқ ўзбек тилига рус-кирил алифбосининг қабул қилдирилиши муносабати билан ўтган асрнинг 1940 йилида киритилган эди.

Соф ўзбекча *тутум* сўзи принцип атамасининг маъносини тўлиқ англата олади, лекин русча *принцип* ҳам, арабча тамойил ҳам *тутум* маъносини жуда кўп ҳолларда ифода эта олмайди. Масалан, қиёсланг:

Эй, дўст!// Ҳар битта оила – жамият ўзи,// Ҳар битта оила – бир давлат ўзи.// Оила ичида не *тутуминг* бор,// Ташда шу аслият – табиат ўзи. (Азим Суюн. Эй, дўст)

Тутумларинг ор-номус, таълим, миллат, субутлар// Кўрмасин сени ожиз миллат қурти – манқуртлар (Бахтиёр Дониёров. Интил халққа тилаб ҳақ)

“Шайбонихон кўп жиҳатлардан Амир Темур *тутумига* ихлос ва риоя билан қарар, жумладан, саройга олим ва шоирларни, санъат аҳлини тўплаб, ижодга тарғиб-ташвиқ этар эди” [9: 17].

Келтирилган мисолларда *тутум* ўрнида *принцип* ёки *тамойил* сўзларини қўллаб бўлмайди. *Тутумни принципга* ёки *тамойилга* алмаштириш ушбу матнлар умумий маъносининг бузилишига, ифода ғализлигига олиб келади.

Бу ҳолат тамойил сўзининг тутум ва принцип сўзларининг маъносини аниқ англата олмаслигини, *принцип* сўзи эса ўзбек тилига тўлиқ ўзлашмаганлигини, унинг асосан термин сифатида денотатни фақат битта - ўз

маъносида, ҳеч қандай маъно нозикликларисиз, услубий бўёқсиз, “қуруқ” ифода эта олишидан далолат бериб турибди.

Тутум атамаси соф ўзбекча (қадим туркий) сўз бўлиб, у арабча *тамойил*, русча-байналминал *принципдан* талаффузи, ёзилишининг қулайлиги, қўлланиш имкониятининг кенглиги билан ажралиб туради. *Принцип* ўрнида ўзбекча *тутум* бўла туриб, *тамойилни* маҳкам қўллаш ўтган асрнинг 90-йилларида район ўрнида қадим ўзбек(туркий) туман сўзи борлигини била туриб, “Атамақўм қарори вожиб!” деб (атамақўм қарори тил қонуниятлари, жумладан, унинг системавийлиги, ривожланиши, сўз ўзлашиши қонун-қоидалари, *тутумларига* зид равишда қабул қилинган бўлсада), *ноҳияга* ёпишиб қолган тилшуносларнинг илмий етарлича асосланмаган субъектив қарашларини эслатади.

Дарсни жозибали ўтиш усулларига кўп мисоллар келтириш мумкин. Яна биттаси билан кифояланамиз:

Минг ёшдан улуғ ёзув маданиятига эга миллатмиз... Унда нега ручка деймиз? Бу савол ўз ечимини тўлиқ топмагунича ўзбек тилшунослиги учун долзарб бўлиб қолаверади. Ушбу соф русча сўз – ручка ўзбек тилига рус тилидан ўзлашганлиги маълум. Рус адабий тилида мазкур сўз (ручка) кўп маъноли бўлиб, жумладан, қўлча, тутқич (масалан, эшик тутқичи), ёзув қуроли тушунчаларини англатади. Ёзув қуролини англатувчи атама сифатида рус адабий тилида ручка XIX асрнинг иккинчи ярмидан қўллана бошланган. Унгача руслар қўлда бармоқлар билан тутиб, сиёҳ воситасида ҳарфлар, сўзлар, фикрларни қоғозга туширадиган ёзув қуролини перо (“пат”) деб атаганлар. Ўзбек тилига рус тилидан ушбу атама мустабид совет тузумининг сиёсати ўлароқ фақат битта - “сиёҳ билан ёзишга мўлжалланган ёзув қуроли номи” - маъносида қабул қилинган.

Ўша даврлар мафкураси ва сиёсатига кўра минг йиллик ёзувига эга бўлган халқимиз онгига саводхонлик, жумладан, ёзув қуроли юртимизга руслар билан кириб келган деган ҳақиқатга зид тушунча сингдириб келинган. Ҳозиргача аксарият ўзбеклар ёзув қуролини русча – “ручка”, деб аташади. Ваҳоланки, Муҳаммад Ал-Хоразмий (IX аср), Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср), Аҳмад Яссавий (XII аср) Алишер Навоий (1441-1501) даврларидан то XX асрнинг 30 йилларига қадар қадимдан ёзма адабий тилига эга бўлган ота-боболаримиз ёзув қуролини номлашда бир қатор сўзлардан фойдаланиб келишган: битигу(битги), қалам, хома, килк кабилар:

Ҳазрат Навоийнинг назмий асарларида *қалам, хома, килк* сўзлари турфа хил маъноларни англатиб, бетакрор ташбиҳ даражасига кўтарилган:

Ҳажр дудидин қаро бўлған кўнгул ичра ўқунг,

Шарҳи ҳолим ёзғали бўлмиш ***қалам*** бирла **давот.** (Наводир уш-шабоб, 74-ғазал).

Хома *рафторим неча сурсам неча,*
Қирқ-эллик байт ҳар ярим кеча.
Сафҳага ёзмай қарорим йўқ эди,
Бу рақамда ихтиёрим йўқ эди. (Лисон ут-тайр).
Неча ***килки тахайюл*** *бирла бир* ***суврат*** *нигор айлай,*
Анга ошиқ ясаб, кўнглумни амдо беқарор айлай. (Наводир уш-шабоб, 615- ғазал).

Килк сўзи ҳозир умумистеъмолда учрамайди, бироқ замонавий ўзбек адабиётида китобхон кўз олдида тарихий бўёқни аниқ ва образли ифодалаш мақсадида таниқли ўзбек шоири Э.Воҳидовнинг “Алишер Навоий кемаси” шеърида қўлланган:

Улуғвор бастида ўйчан бир шукуҳ,
Килкидан *тўқилган ғазалдек боқий.*
Беш аср сўнгида кема бўлган руҳ,
Беш қитъа оралаб кезар Навоий.

Кўринадики, Алишер Навоий асарларида “ёзув, чизув қуроли” денотатини англатиш учун қалам, килк ва хома сўзларидан юксак маҳорат билан фойдаланилган, қалам сўзидан фарқли ўлароқ, бугунги кунда хома, килк сўзлари умумистеъмолда қўлланилмайди. Ушбу синонимлар, айниқса, қалам XX асрнинг 30-йилларига қадар ўзбек тилида ёзув қуролининг номини англатувчи атама сифатида ҳукмрон мавқега эга бўлиб, кенг истеъмолда бўлган, ушбу синоним сўзларни русча ручка сўзига алмаштиришга лисоний ва нутқий ҳеч эҳтиёж бўлмаган.

Бугунги кунда смартфонга эга бўлмаган талабалар йўқлигини инобатга олган ҳолда мустақил иш топшириқлари ҳам талабаларда катта қизиқиш ўйғотадиган тарзда берилса, ижтимоий-гуманитар фанларнинг, шу жумладан, ўзбек тили ва адабиёти фанининг жозибадорлиги талабалар наздида анча ошади, уларнинг ушбу фанга (ўз соҳасига оид фанларга ҳам) бўлган қизиқишлари ортади, билимлари мустаҳкамланади. Чунки танлаган соҳаларини пухта эгаллашни мақсад қилган замонавий ёшлар қўлида *битги* (ручка) билан ёзиш-чизишни, мулойимроқ қилиб айтганда, унчалик хушламайдилар.

Масалан, фаол талабалар томонидан “Ўзбек тилим менинг соҳамда”, “Мен нима учун педагогика соҳасини танладим?”, “Медиасаводхонлик ва ахборот маданияти нима?”, “Ахборот технологиялари соҳасида ахборот тушунчаси”, “Мен орзу қилган лаптоп (ноутбук)”, “Замонавий технологиялар

менинг соҳамда”, “Смартфонларнинг сўнгги авлодлари”, “Мен нима учун мактабгача таълим соҳасини танладим?” “Педагогика соҳасида инновацион техника ва технологияларни қўллаш?”, “Дарсларнинг жозибадорлигини оширишда рақамли технологияларнинг аҳамияти”, мавзуларида смартфонлар ёки ноутбуклар асосида катта иштиёқ билан электрон шаклида тайёрланган *конспект, эссе, реферат, курс ишлари* ва тақдимотлар толиби илмларда зўр қизиқиш ўйғотиб, ушбу фандан кучли таассурот билан олган билимлари хотираларида мустаҳкам ва бир умрга ўрнашиб қолади.

АДАБИЁТЛАР

1. Данияров Б. Х. Ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нутқий муносабати, лексикографик тадқиқи. Монография.- Тошкент: “Сано стандарт”, 2019. – 200 б.
2. Данияров Б.Х. Комплексный анализ семантической структуры и функционирования лексических синонимов. Монография / Б. Х. Данияров. – Ташкент: Издательство Bookmany print, 2022. – 156 с. – С. 120-121.
3. Daniyarov B.X. Gumanitar fanlarni o‘qitishda “Aqlli” telefonlardan samarali foydalanishning ilmiy-amaliy ahamiyati//Til va adabiyot.uz/Ilmiy metodik electron jurnal.- 2023, №7, Б. 89.
4. Данияров Б.Х. Академик ёзув дарсларида замонавий смартфонлардан самарали фойдаланиш.- Компьютер лингвистикасининг замоновий технологиялари. Вазирлик миқёсидаги илмий-назарий анжумани илмий мақолалари ва тезислари тўплами (2023-yil 14 апрель). –Т.: ЎзМУ, 2023. – 135- бет.
5. Данияров Б.Х. Методика инновационного обучения говорению на русском языке узбекоязычных студентов технических вузов/ Традиции и новации в профессиональной подготовке и деятельности педагога: сб.науч.тр. IV Междунар. Науч. –практ.конф. / под редакцией И.Д. Лельчицкого. – Тверь: Твер. гос. ун-т, 2022. – Вып. 20. С. 15.
6. Данияров Б.Х. Dars sifati va jozibadorligini oshirishga zamonaviy yondashuvlar UDK 37.02Ilm-fan, ta“lim-tarbiya, innovatsiya: zamonaviy vazifalari va istiqbollari” xalqaro ilmiy-amaliy anjuman (2024-yil 3-may)/ O’zR OTFIV,Toshkent iqtisodiyot va pedagogika instituti, O’zR FA Yosh olimlar kengashi. –Toshkent: TIPI, 2024. -301 b. Б. 111.
7. Ж.Лапасов. Бадиий матн ва лисоний таҳлил.- Тошкент: “Ўқитувчи”, 1995. - Б. 6.

8. Sayyora Xolmirzayeva. Terminlarning yasalish usul va yo'llari// Academic Research in Educational Sciences/Multidisciplinary Scientific Journal.- May, 2022, B.426.